O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 30 март, № 61 (3606) Чоршанба

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан*



*Ўзининг 2700 йиллигини нишонлаш арафасида турган Қарши шаҳри кундан-кунга ўзгача чирой касб этмоқда. Бир-биридан гўзал кошоналар қад ростлаб, тарихий обидалар, муборак қадамжолар қайта тикланмоқда. Юбилей тантаналарига қадар ўнлаб янги иншоотлар ишга туширилиши кўзда тутилган бўлиб, шаҳарнинг энг сўлим мавзесида қурилаётган 20 минг томошабинга мўлжалланган спорт ўйингоҳи ҳам шулар жумласидандир.*

## Тўйга тўёна ҳозирлаётганлар

Умумий майдони 13,5 гектарни ташкил этувчи мазкур иншоотда ҳозирга қадар 400 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Жаҳон андозаларига мос равишда бунёд этилаётган ушбу ўйингоҳда қўшимча машғулот майдонлари, савдо ва овқатланиш расталари, автомобиль тўхташ жойлари сингари бир қатор маданий-маиший шохобчалар қуриш ҳам режалаштирилган.

**СУРАТЛАРДА: тажрибали сувоқчи-бўёқчи Воҳид Дўсанов; «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» АЖга қарашли 6-сон вакиллик бош муҳандиси Муродилло Мирзаев қурувчилар Абдухалил Чаққонов ва Нортожи Поёнов билан.**

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*28 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.*

Унда қуйи палата депутатлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда парламент фаолиятини ёритувчи журналистлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатини мазкур қўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов олиб борди.

Тадбирда парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва тузилмаларининг ОАВ билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳақида маъруза қилди.

Маълумки, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланган. Шунингдек, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунлар эса уларнинг ҳаётида ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда. Шу боис, маърузачи ОАВни ривожлантиришда демократик андозаларга хос аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мунозара жараёнида фаол иштирок этган журналистлар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида ўз таклифларини бердилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов парламент палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида таъкидлаганидек, солиқ сиёсатини такомиллаштириш жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим устуворликларидан биридир.*

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан 2005 йил 29 мартда ташкил этилган давра суҳбати ана шу вазифа амалга оширилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалаларига бағишланди.

Анжуманда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда хизматлар кўрсатиш даражасини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида солиқ ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий онгини ошириш, шунингдек, солиқ йиғими даражасини кўтаришда ҳам бу омил алоҳида аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

Ўзаро фикр алмашув асносида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга, давлат бюджетига солиқларнинг вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашга, солиқ соҳасидаги қоидабузарликларнинг олдини олишга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча амалий тавсиялар билдирилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, Молия ва Иқтисодиёт вазирликларининг, Давлат солиқ ва божхона қўмиталарининг, Марказий банк ва тижорат банкларининг, Савдо-саноат палатасининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, шунингдек етакчи илмий муассасаларнинг олимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвон саройида "Хиросима тинчлик тоши" ёдгорлигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

## «ХИРОСИМА ТИНЧЛИК ТОШИ» – ТОШКЕНТДА

Унда Япониянинг "Хиросима тинчлик тоши" уюшмаси аъзолари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

1945 йил 6 август куни инсоният тарихидаги энг мудҳиш фожиалардан бири содир бўлган — Япониянинг Хиросима шаҳрида дунёда илк бор атом бомбаси портлатилган. Натижада шаҳар бутунлай вайронага айланиб, юз минглаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмган.

"Хиросима тинчлик тоши" уюшмаси раиси Мичио Умемото ушбу рамзий тошнинг Тошкентда ўрнатилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Мазкур ёдгорликнинг очилиши дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш ҳеч қачон сўнмаслигидан далолат эканини таъкидлади.

Ядро қуроли бугунги кунда ҳам инсониятга хавф солиб турган катта муаммолардандир. Шу боис Ўзбекистон раҳбари БМТ минбари орқали Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Япония ҳукумати Хиросима ва Нагасаки фожиаларининг қайта такрорланмаслиги, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида мамлакатимиз раҳбарининг бундай хайрли ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

"Хиросима тинчлик тоши" ёдгорлигининг Тошкентда очилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юритаётган тинчликпарвар сиёсатнинг, ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ва дунёвий таҳдидларга қарши курашишдаги хизматларининг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири.**

## ХОРИЖ САРМОЯСИДАН БАРЧА МАНФААТДОР

*Кеча пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига сармоялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастури"нинг тақдимоти бўлиб ўтди.*

"Ўзбекенгилсаноат" ДАК томонидан ташкил этилган, мамлакатимиздаги элчихоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий корхоналар, компаниялар ва молия муассасалари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган ушбу тадбирда таъкидландики, кейинги йилларда Ўзбекистон тўқимачилик саноатида миқдор ва сифат жиҳатидан катта ўзгаришлар юз берди. Бу жараён республика ички бозорини саноат маҳсулотлари билан тўлдиришда ва экспорт ҳажмини оширишда яққол намоён бўлмоқда.

Мисол учун, биргина 2004 йилда тармоқда умумий қиймати 180 миллион АҚШ долларилик 17 та лойиҳа амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2003 йилдагига нисбатан 2,5 баробар кўп бўлиб, ўтган йили мамлакатимизга жалб этилган сармояларнинг 30 фоизини ташкил қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Республика тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 38-қарори, айниқса, тизимга сармоялар жалб этиш муҳитини тубдан ўзгартириш учун шароит яратди, деб айтиш мумкин. Чунки чет эл сармояларини жалб қилишнинг 2005-2008 йилларга мўлжалланган дастурига кўра, республика бўйича 94 та лойиҳага 1,2 млрд. АҚШ долларидан ортиқ миқдорда сармоялар жалб этиш кўзда тутилган. Лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши эса, юртимизда етиштирилаётган пахта толасининг қарийб 50 фоизини энг замонавий ускуналарда қайта ишлашни босқичма-босқич амалга ошириш имконини беради. Пировардида 46 мингта янги иш ўрни яратилади. Экспортга сотиладиган маҳсулот хажми эса 1,1 млрд. долларга кўпаяди.

Шу мақсадда, 2009 йилнинг 1 январигача хорижий сармоялар асосида ташкил этилган, тайёр кийим (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар) ва пайпоқ буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги бюджетга тўланадиган солиқ ва йиғимлардан озод қилинади (агар маҳсулотларини республика ички бозорида сотса). Шунингдек, умумий белгиланган солиқ тизими қўлланилган корхоналар 9 та, ихчамлаштирилган солиқ тизими қўлланилган корхоналар эса 4 турдаги солиқ ва йиғимлардан озод этилади.

Албатта, уларнинг давлат томонидан бундай қўллаб-қувватланиши ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархлари даражасини кескин камайтиради. Ўз навбатида ана шу имконият ва имтиёзлар ҳар қандай сармоядор учун ҳам маъқул бўлади.

Тадбирда ахборот алмашиш билан бирга аниқ сармоялар лойиҳалари муҳокама қилинди. Хорижий сармоядорлар Вазирлар Маҳкамасининг 38- қароридаги янги имтиёзлар ва эркинликлар билан муфассал таништирилди. Бизнес учрашувлар доирасида эса 2005-2008 йилларда тўқимачилик тармоғига жалб қилинадиган сармоялар дастури юзасидан фикр алмашилди.

Тақдимот маросимида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Қодиров Ашхабадда Туркманистон Президенти Сапармурат Ниёзовга ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида 2004 йил ноябрида Бухоро шаҳрида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган битимларнинг амалга оширилиши, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама этилди.

**"Жаҳон" АА.**

*Бугуннинг гапи*

## СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ

*яратилса, бозорда монополияга ўрин қолмаслиги аниқ*

### I. Ҳаёт зарурати

Хабарингиз бор, собиқ Иттифоқ даврида узоқ йиллар мобайнида мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучлари бир томонлама, яъни истеъмолчиларнинг ҳуқуқи ҳисобга олинмаган ҳолда ривожланди. Оқибати маълум: инсон фаолиятининг деярли тини яратиш қийин эди. Ўзингиз ўйланг: агар монополияга қарши курашилмаса, товар бозорида ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам яна яккаҳукмронлик давом этаверади. Натижада бозорда маҳсулот тақчиллиги қайтадан юзага келади, монополист корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатсиз нархидан паст баҳога сотиши мумкин. Шунда рақобатчи корхона нархи юқори бўлган маҳсулотини сотолмайди. Пировардида у барча айланма маблағи товар тарзида омборда туриб қолиши туфайли молиявий инқирозга учрайди. Монополист корхона эса маҳсулотини яна қиммат нархда

Шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг аҳамияти ҳам айни шу мақсадларга эришишни талаб этарди.

Шунинг учун мамлакатимизда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг бу соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар қилишга киришилди. 2000 йилнинг 2 августида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилингани, айниқса, ушбу йўналишда муҳим бир қадам бўлди. Бу ҳужжатга кўра, Молия вазирлиги ҳузуридаги қўмитага алоҳида давлат қўмитаси мақоми берилиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари доираси кенгайтирилди. Давлат қўмитаси олдига эса республикамизда соғлом рақобат муҳитини яратиш учун зарур ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни, мустаҳкам ҳуқуқий базани шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи марказ функциясини бажариш вазифаси қўйилди.

барча қирраларини ҳаддан ташқари умумлаштириш, бошқаришни марказлаштириш, давлатнинг хўжаликларга дахлдор жамики масалаларни ҳал этиш вазифасини ўз зиммасига олиши туфайли бошқарув издан чиқди, меҳнат самарадорлиги пасайиб, истеъмол товарлари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги вужудга келди. Энг ёмони, республика бозорида ўта монополиялашув жараёни кузатилди.

Бундай шароитда, аввало, рақобатни шакллантирмасдан туриб, ҳаёт зарурати — мукаммал бозор иқтисодиё- ва қимматлигига қарамай, истеъмолчи уни харид қилишга мажбур бўлади.

Кўриниб турибдики, биринчидан, монопол мавқега эга корхона истеъмолчи манфаати билан ҳисоблашмайди. Иккинчидан, у товар бозорига янги хўжалик юритувчи субъектлар — рақобатчиларнинг киришига тўсқинлик қилиб, ўз мавқеини суиистеъмол этади. Бу ҳолат турли кўринишларда намоён бўлади. Айтайлик, монопол корхона рақобатчиларни синдириш учун демпинг нархларни қўллаши, яъни маҳсулотни тан- сотиб, аввал кўрилган зарарни қоплаб олади.

Соғлом рақобат, табиийки, истеъмолчиларга мустақил равишда фаолият юритувчи бир неча турдош корхоналарда ишлаб чиқарилган товарлар ёки улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар орасидан ўзига зарури ва мақбулини танлаш имконини беради. Рақобатнинг қай даражада тараққий этиши эса бевосита мулкчиликнинг турли шаклларини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга боғлиқдир.

(Давоми 2-бетда).

**ДИҚҚАТ:** *республика ижодий танлови!*

## «ВАТАН ҒУРУРИ»

*Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўтган йил ниҳоясида Оқсарой қароргоҳида Ватаннинг юксак мукофотларини, шу жумладан, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга Амир Темур орденини топширар экан, унинг оддий бир ўзбек оиласидан эканлигини, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида туғилганлигини, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар йигитлигини, айни пайтда худди шу йигит бутун дунёни ҳайратга солганлигини, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистон шуҳратини юксак даражага кўтарганлигини фахр-ифтихор билан таъкидладилар.*

*Халқимиз орасида Рустам Қосимжоновдай Истиқлол уйғотган, қалбида Ватан шаънини баланд тутган, элим-юртим дейдиган, фидойи, олижаноб ният-мақсадли одамлар оз эмас. Уларни ҳаётнинг барча соҳаларида учратишимиз мумкин. Бундай фуқароларнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳри, миллий ғурури ва орияти — Ўзбекистоннинг бебаҳо куч-қудрати манбаидир. Шундай заҳматкаш инсонлар бор экан, Ватанимиз шаъни юксалаверади, ҳаётимиз обод, турмушимиз фаровонлашиб бораверади.*

*Истагимиз шуки, бундай ажойиб инсонларни, уларнинг қалбидаги Ватан ғурурини, бу ғурур қандай мўъжизаларга қодир эканлигини ҳамма билсин, шундай юксак ғурурли юртдошларимиздан бошқалар ҳам ғурурлансин!*

*Шуни эътиборга олиб,*

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти «Ватан ғурури» республика ижодий танловини эълон қилмоқда.**

*Танлов 2005 йилнинг август ойида, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида якунланади.*

*Ижодий танлов майдони кенг ва ҳаммага очиқ. Фақат талаб битта: бевосита ҳаётга мурожаат қилайлик, чин маънода она юрт, она халқидан ғурурланиш туйғуси қалбининг қуёшига айланган юртдошларимиз ҳақида элга сўзлайлик.*

*Энг қизиқарли, ҳаяжонли, ўқишли очерклар, лавҳалар, ҳикоялар, эсселар газетада эълон қилиниб, йил охирида алоҳида китоб шаклида чоп этилади.*

**Танлов мукофотлари:**

**Битта биринчи мукофот — 500 000 сўм.**
**Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 150 000 сўмдан.**
**Учта учинчи мукофот — ҳар бири 100 000 сўмдан.**
**Рағбатлантирувчи совғалар — 10 та.**

**«Ватан ғурури» республика ижодий танловига марҳамат!**
**Омад сизга ёр бўлсин!**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти.

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ

## яратилса, бозорда монополияга ўрин қолмаслиги аниқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, салкам беш йилдирки, қўмита бу вазифани адо этиш, шунингдек, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Реклама тўғрисида»ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари ижросини таъминлаш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқда. Охир-оқибатда ғирром рақобатчиларнинг бозорда, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозорида якка ҳукмдор бўлиб олишга қаратилган ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилаётир.

Буни унинг йирик бошқармаларидан бири — Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

### II. Истеъмолчи ҳуқуқи ҳамиша устувор

Ҳозирги кунда республикамизда яшовчи етти яшардан етмиш яшаргача бўлган кишиларнинг кўпчилиги уяли телефондан фойдаланаяпти, десак, муболаға бўлмайди. Пойтахтнинг Юнусобод тумани, 4-даҳа, 1-уй, 31-хонадонда истиқомат қилувчи З. Бобоева ҳам ана шу қулай ва ихчам алоқа воситасига ҳавас қилиб, «Д. Усмонов» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконидан LG уяли телефонини сотиб олган эди. Аммо унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади: аппарат носоз экан. Нима қилиш керак? З. Бобоева, одатдагидек, яна дўконга бориб, фирма раҳбари Д. Усмоновдан пулини қайтариб беришни сўради. Аммо хусусий тадбиркор унинг талабини қатъиян рад этди. Шундан кейин харидор ўзининг истеъмолчи сифатидаги манфаатини ҳимоя этишни сўраб Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Бошқарма ходимлари уяли телефонни белгиланган тартибда малакали мутахассис иштирокида текшириб кўрганларида, ҳақиқатан ҳам, унинг сифатсиз эканлиги аён бўлди. Ҳатто аппаратнинг қаерда, қайси корхонада, қачон ишлаб чиқарилгани ҳам номаълум эди. Натижада истеъмолчи З. Бобоевага хусусий тадбиркор Д. Усмоновдан 190 минг сўм миқдоридаги зарар ундириб берилди.

Бошқармага Миробод тумани, «Локомотив» кўчаси, кўп қаватли 12/1-уйда яшовчи бир гуруҳ истеъмолчилардан ҳам ариза келиб тушди. Улар ўз аризасида «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан иссиқ сув тармоғи асоссиз равишда ўчириб қўйилаётгани, устига устак, ходимлар кўрсатилмаган хизмат учун ҳам ҳақ олишаётгани юзасидан шикоят қилган эдилар. Ариза ўрганиб чиқилганда, барча далиллар тасдиқланди. Пировардида хонадонларга иссиқ сув берилмаган давр учун ноқонуний ҳисоб-китоб қилинган катта миқдордаги маблағ — 1 миллион 843 минг 549 сўм истеъмолчиларга қайтарилди.

Шундай ачинарли ҳолат Акмал Икромов туманида ҳам рўй берди. Мазкур тумандаги 12-даҳа, 15-уй, 16-хонадонда яшовчи В. И. Хисамутдинованинг аризасига биноан, бошқарма томонидан «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бирлашмасига ана шу хонадон иссиқлик билан узлуксиз таъминланиши, кўрсатилмаган хизматлар учун ундирилган тўлов қайта ҳисоб-китоб қилиниши бўйича кўрсатма берилди. Бунинг натижаси шу бўлдики, бирлашма раҳбари буйруғига кўра, «Тошиссиққувват»нинг Акмал Икромов тумани бошқармаси бошлиғи В. В. Ломов огоҳлантириш олди, истеъмолчи кўрган 15 минг 640 сўм миқдоридаги зарар эса қопланди.

— Буларнинг бари ҳозирга келиб, истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тобора кўпроқ билиб, бу борадаги онг-шуури, тафаккури ўзгараётганини кўрсатади, — деди Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Мирсаид Мирмаҳмудов биз билан суҳбатда. — Бунда ходимларимиз аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот, яъни тушунтириш ишларининг айрича ҳиссаси бор, албатта.

**ИЗОҲ.** Ўтган йили бошқарма жамоаси, масалан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликларга риоя этилиши юзасидан телевидениеда 41 маротаба, радиода — 20, оммавий ахборот воситаларида эса 12 марта чиқиш қилди. Март ойида Халқаро истеъмолчилар кунига бағишлаб Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармаси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва бошқа тегишли ташкилотлар масъул ходимлари иштирокида анжуман ўтказилган бўлса, апрелда «Энг ёш зукко истеъмолчи» мавзусида кўрик-танлов уюштирилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июндаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 330-сонли ҳамда 2004 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенг жалб этиш тўғрисида»ги 414-сонли қарорлари талабларининг ижросини таъминлашга бағишланган минтақавий семинар ўтказилди. Қўмита ва унинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва истеъмолчилар қатнашган ушбу тадбирда мазкур йўналишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар кенг муҳокама қилинди.

Энг муҳими, бошқармада ташкил этилган «Ишонч телефонлари» йил мобайнида фаолият кўрсатди.

**НАТИЖА.** Амалга оширилган ана шу тадбирлар туфайли бошқармага истеъмолчилар томонидан тушган ариза ва шикоятлар бултур 2003 йилдагига нисбатан анча камайди. Хусусан, ўтган йили жами ариза ва шикоятлар сони 190 тани ташкил этган бўлса, улардан 21 таси савдо ва умумий овқатланиш, 132 таси коммунал, 3 таси тиббий, 1 таси транспорт, 4 таси маиший хизматга тўғри келди.

Текширишлар жараёнида уларнинг 180 таси ижобий ҳал этилиб, истеъмолчилар фойдасига 4 миллион 335 минг сўм миқдоридаги зарар ундириб берилди. Қолган ариза ва шикоятларда кўтарилган масалалар ҳам ўз ечимини топиш арафасида турибди.

### III. Рекламада ҳам тош-тарози бор

Сир эмас, бозор муносабатлари шароитида рекламанинг аҳамияти тобора кучайиб бормоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингани айни муддао бўлди. Негаки, мазкур ҳужжатда тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш, рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига зиён ёки путур етказиши, маҳсулот сифати, уни реализация қилиш шартларига кўра, истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёхуд ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқалишининг олдини олиш мақсадлари кўзда тутилган.

Ана шу талабларга риоя этилишини назорат қилиш вазифаси ҳам қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, 2004 йилда Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевидение ва радиода 40 марта мониторинг ўтказилди. Натижада 40 ҳолатда реклама қонунчилигининг бузилиши ҳоллари аниқланди.

Бошқача айтганда, мониторинг якунларига кўра, 32 та хўжалик юритувчи субъектга ҳамда 8 нафар хусусий тадбиркорга нисбатан 20782,6 минг сўм миқдорида жарима қўлланилди.

Шу билан бирга, кўплаб хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига бу борада йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар ҳам берилди. Бир мисол. Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчасида жойлашган «Тарона-концерт» масъулияти чекланган жамияти 2004 йил 26-28 ноябрь кунлари «Халқлар дўстлиги» саройида «Сетора» гуруҳининг концерти бўлиши ҳақида рекламалар эълон қилади. Бироқ ушбу жамият бунда 2002 йил 16 ноябрда Адлия вазирлигида 1188-сон билан рўйхатдан ўтган «Театр концерт тадбирлари ўтказилганда фонограммадан фойдаланиши ҳақидаги ахборотнинг тақдим этиши тўғрисидаги қоида»нинг 8-бўлимига зид иш тутади. Яъни, «Фонограммадан фойдаланилади» деган сўзлар горизонтал ҳолатда ёзилиб, у реклама ҳажмининг 5 фоизини ташкил этмайди. Оқибатда жамият раҳбарияти номига ана шу қоиданинг бузилишига чек қўйиш юзасидан ёзма кўрсатма юборилди.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*(Давоми келгуси сонда).*

# ТАДҚИҚОТ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРСИН

*Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида йиғилиш бўлиб ўтди. У иқтисод фанлари бўйича илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг аҳволи, соҳадаги тадқиқотлар масаласига бағишланди. Йиғилишда Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва тегишли ташкилотлар вакиллари, ихтисослашган кенгаш раислари ҳамда илмий котиблари, эксперт кенгаш аъзолари, соҳа мутасаддилари иштирок этдилар.*

— Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида барча соҳа қатори фан вакиллари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган, — деди ОАК раиси М. Муҳитдинов. — Шу маънода, бугунги анжуманимиздан кўзланган мақсад, иқтисод фанлари соҳасида бажарилган диссертациялар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг амалиётга татбиқи, аксарият ҳолларда берилган хулоса ва тавсияларнинг ҳаётга жорий этилмаётганлиги, назариянинг амалиётдан узилиб қолаётганлигини муҳокама қилишдир.

Тадбирда сўзга чиққан иқтисод фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси Р. Алимов аттестация ишлари сифатини оширишнинг асосий йўналишлари, жумладан, ихтисослашган кенгашларда ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирди. Айрим илмий изланишларда қиёсий таҳлилнинг йўқлиги, фақатгина кўрсаткичлар олиниб, улар математик-статистик усуллар билан изоҳланмаётганлиги, айрим хулосалар шунчаки фикрлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаётганлиги танқид қилинди. Илмий ишларнинг аксариятида пухта асосланган хулоса ва тавсияларнинг йўқлиги, уларнинг бирёқламалиги, баёнчиликнинг устуворлиги ташвишланарлидир.

Таъкидлаш жоизки, сифат масаласини иқтисодиёт соҳасидаги ихтисослашган кенгашлар учун бош масала деб қараш вақти келди. Ёқланаётган диссертациялар сони салмоқли бўлса-да, уларнинг илм-фан ва амалиётга қўшаётган ҳиссаси кўпинча сезилмаяпти. Аксарият диссертациялар мавзуида "Бозор иқтисодиёти шароитида", "Бозор муносабатларига ўтиш шароитида" деган иборалар мавжуд. Аммо уларда бозор иқтисодиёти муаммолари юзаки, умумий тарзда кўрилади.

Йиғилиш якунида диссертация мавзуларини республикамизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос равишда танлаш кераклиги борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди ва шу юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Н. МАЖИДОВ.**

# Яна 75 иш ўрни

**Асакалик автомобилсозларга бутловчи қисмлар тайёрлаб бераётган Хонободдаги "УзКоджи" Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси жамоаси яна етмиш кишига кўпайди. Бош корхона буюртмаларини ўз вақтида сифатли бажариш эвазига жамоанинг иқтисодий салоҳияти ортганлиги ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини берди.**

**Бундан ташқари, корхона ишлаб топилган соф фойда ҳисобига янги автобус ҳам сотиб олди. Энди олисда яшовчилар бориб келишда автобус хизматидан баҳраманд бўлмоқдалар.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Боёвут туманининг "3-Боёвут" ширкат хўжалигида истиқомат қиладиган Абдуғаффор Жабборов 15 йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил этиб, унга "Янгилик" деб ном берган эди. Айни пайтда фермернинг 78 гектардан ортиқ ер майдони бўлиб, унда пахта, ғалла ва чорвачилик учун озуқа экинлари экилади. Шунингдек, 200 бош қорамол, 6 бош йилқи парвариш қилинмоқда. Жамоа ҳар йили ҳамма соҳалар бўйича шартнома режаларини ортиғи билан бажариб келаётганлиги боис, олинаётган даромад миқдори ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 5 миллион сўм соф фойда олинди. Айни пайтда фермер баҳорги чигит экиш мавсумига барча техника воситаларини тахт қилиб қўйиб, эрта-индин бу ишга киришиш ниятида.*



**СУРАТДА: фермер Абдуғаффор Жабборов.**

**Муҳаммад КАРИМ олган сурат.**

Анжуман

# ЕИ лойиҳаси амалда

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш йўлида ҳавас қилса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик" лойиҳаси ана шундай эзгу ишлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази мазкур лойиҳа доирасида "Ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш ва малака кўникмалари таҳлили" мавзусида семинар ўтказилди. Чирчиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ушбу анжумандан кўзланган мақсад лойиҳага жалб этилган коллежлар томонидан ижтимоий ҳамкорлик ва мутахассисликка оид малака ҳамда кўникмалар бўйича амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш билан биргаликда касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга оид долзарб вазифаларни муҳокама қилишдир.

Семинарда мазкур лойиҳа раҳбари Паскуали Ливерани сўзга чиқди.

— Ушбу лойиҳа бизга энг аввало турли ташкилотлар билан биргаликда ишлашни ўргатди, — дейди Чирчиқ шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Баҳодир Исроилов. — Айни вақтда коллежимиз билан корхона-ташкилотлар ўртасида шартнома имзоланган. Шундан келиб чиқиб ўқувчиларни ишга жойлаштирамиз. Қолаверса, ҳудудимизнинг Меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, ўқишга қабул қиламиз. Меҳнат бозори билан ҳамкорликда "Битирувчилар ярмаркаси"ни ўтказиш одатимизга айланган. Бунинг самараси ўлароқ, ёшларни ишга жойлаштиришда муаммога дуч келмаймиз.

Тадбирда, шунингдек, юқорида номи қайд қилинган лойиҳанинг маслаҳатчилари Х. Вегеллар ва Ж. Иванс сўзга чиқиб, олдинда турган вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**«Биз катта-катта минбарлардан туриб, таълим ислоҳоти ҳақида кўп гапирамиз, жойларда эса, афсуски, аҳвол бошқача. Мисол учун, бир туманда коллеж қурилишига ажратилган маблағнинг 30 фоизи қўшиб ёзиш йўли билан ўзлаштириб юборилган. Қурилган коллежнинг эса усти ялтироқ, ичи қалтироқ».**

**(Президент Ислом КАРИМОВнинг Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби билан учрашувидаги нутқидан).**

### Юрт ободлиги манзаралари

Наманганнинг Мингбулоқ туманида кенг далалар ўртасидан ўтган асфальт йўлда борарканмиз, қўлида папка тутган, йўл ёқалаб келаётган, саришта кийинган ўсмир қизлару болаларга кўзимиз тушди. Улар ана шу саришта қиёфаси билан илгариги қишлоқ мактаби ўқувчиларига ўхшамасди.

— Булар Довдуқ қишлоқ саноат-транспорт коллежи ўқувчилари, — деди ҳамроҳимиз, вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳабибулла Убайдуллаев ўйимизни илғагандек. — Бундай муҳташам саройда ўқиган болаларнинг кўча-кўйда ҳам, уйда ҳам юриш-туриши ўзгаради, маданиятлироқ, ақллироқ, хушмуомалалироқ бўлиб қолади. Инсонга ташқи муҳитнинг таъсири катта, айниқса, энди шаклланаётган навниҳол ўғил-қизларга. Энг муҳими, салобатли бино, кенг ва ёруғ аудиториялар, фан кабинетларидаги замонавий асбоб-ускуналар, шаҳардагидан кам бўлмаган компьютер техникалари — бари боланинг кўнглини тоғдай кўтариш билан баравар унинг қалбида юртга меҳр-муҳаббат, Ватанга ғурур-ифтихор туйғуларини ниш урдиради.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, бу гапларнинг исботини ўзимиз ҳис қилдик: кўп қаватли коллеж кўчадан кулиб турар, ичкариси эса ундан ҳам гўзал эди!

Худди шундай туйғуни Андижоннинг Избоскан туманидаги агросаноат, Қашқадарёнинг Яккабоғ туманидаги иқтисодиёт, Наманганнинг Чуст туманидаги «Мустақиллик» касб-ҳунар коллежлари билан танишганда ҳам туйдик.

Избоскандаги коллеждан чиқиб йўлга тушишимиз билан тасодифан бир манзара кўзга кўриниб, шуурга ғалат туюлди: кўпқаватли хушсурат коллеж қаторида ҳужрасифат ғарибгина турган афтодаҳол бино пештоқидаги «Шарқ юлдузи» колхози клуби» деган йирик ёзув ҳам сақланиб қолибди. Бир пайтлар, яқин ўтмишимизда, шўро замонининг энг юқори маърифат-маданият ўчоғи эди бу бино...

Бугун Ватанимизнинг вилоят марказларини қўя турайлик, қайси туманига борманг, албатта, мана шундай кўп қаватли муҳташам биноларга кўзингиз тушади. Ва билингки, бу — касб-ҳунар коллежи. Бу нафақат ўқиш, билим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш маскани, балки ёшларнинг қалбига, онгига маданият ва маърифат, маънавият уруғларини сепувчи, ғурур-ифтихор туйғуларини шакллантирувчи кўп хизматли мажмуа ҳамдир.

# МИЛЛИАРДЛАР МАҚСАДЛИ

## ёки баъзи касб-ҳунар коллежларини қайта таъмирлаш ва қуришда йўл қўйилаётган

- **Ортиқча ҳисобланган 10,6 миллиард сўм**
- **Танловдаги ғирромликлар**
- **Эсиз 150 та «Нексия»нинг пули...**

Ўтган қисқа вақт — беш-олти йил ичида юрт ободлиги намунаси бўлган бу даргоҳларнинг барпо этилиши Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва юксак минбарда туриб, туманда битта коллеж-лицей қурмаган ҳоким бу лавозимда ишлашни ўйлаб кўрсин, деган даъвати билан бошланганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Бугунга келиб, давлат бюджетининг 50 фоизи умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейларга сарфланаётгани таълим соҳасидаги ислоҳотларга нақадар катта эътибор берилаётганидан далолатдир. Зеро, улуғ мутафаккир-муаллим Абдулла Авлоний айтганидек, тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат — ё саодат, ё фалокат масаласидир.

Бироқ...

### Ният улуғ, ижро-чи?

Кўз олдингизга келтиринг: 1998 йилдан бери касб-ҳунар таълими соҳаси қурилишларига жами 674,7 миллиард сўм сарфланди, 515 минг ўринли 707 та коллеж ва лицей қурилиб фойдаланишга топширилган. Баъзи жойларда эса коллеж ва лицей қурилишига мутасаддилар тўйда тўйиб қолиш каби кайфиятда иш юритаётганини кўриш мумкин. Яъни, улуғ ният йўлига ажратилган ботмонлаб бюджет маблағларининг ҳаммаси ҳам мақсадли ишлатилмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги «Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 2004 йилда амалга оширилаётган капитал қурилишда нархларнинг шаклланирилиши устидан кузатув ўрнатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ягона буюртмачи хизматида (аввалги капитал қурилиш бошқармаси) Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан таҳлил ишлари ўтказилди ва улар натижасида иншоотларнинг бошланғич қийматини аниқлаш, қурилиш ишлари ҳажми ва уларни жорий нархларда ҳисоблашда бир неча ўнлаб иншоотларда нархлар асоссиз оширилгани аниқланди. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги 750 ўқувчи ўринли коллеж қурилишининг дастлабки (старт) баҳосини белгилашда иш ҳақи сунъий равишда оширилган — қурилишнинг ишчи лойиҳасида кўрсатилган 179,2 минг киши соат ўрнига 540,9 минг киши-соат белгиланган. Агар ушбу қоидабузарликларга йўл қўйилмаганида қурилишнинг нархи 1 миллиард 482,8 миллион сўм ҳажмида белгиланар, бу танловда ғолиб чиққан қурилиш ташкилотининг баҳосидан 266,3 миллион сўм арзон бўлар эди.

Шунингдек, буюртмачининг турли сарф-харажатларни асоссиз равишда ҳисоб-китобга киритиши оқибатида Навоий вилоятидаги 4 та иншоотда ҳам дастлабки нарх 238,2 миллион сўмга, Наманган вилоятида 3 та иншоот 1 миллиард сўмга оширилганини қандай изоҳлаш мумкин. Косон туманидаги мактаб реконструкцияси ҳисоб-китобига 64,4 миллион сўмлик 33,9 тонна болт маҳсулоти киритилган. Қизиқ, битта мактабга шунча болт нега керак? Шунингдек, Қамаши тумани Қизилтепа қишлоғидаги коллеж нархини ҳисоб-китоб қилишда экскаваторнинг бажарадиган иш ҳажми ошириб кўрсатилишининг ўзидан 25,9 миллион сўм ортиқча ҳисобланган.

**2004 йилда республика бўйича жами 10,6 миллиард сўм ортиқча ҳисобланганлиги аниқланди ва тегишли ташкилотларга ахборот берилди.**

Қурилиш ва қайта таъмирлашнинг дастлабки жорий қийматини ҳисоб-китоб қилаётган буюртмачи ёки унинг буюртмаси билан ишлаётган ташкилотлар қўлланилаётган нархларнинг қанчалик асослилиги бўйича ўз масъулиятларини назардан қочирмасалар қанчадан-қанча кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди.

### Танлов ҳалол бўлса...

Одамлар орасида илгаридан «қурилишдаги танлов савдоларида ўйин кўп, баъзан у номигагина ўтказилади, ғолиб эса аввалдан танлаб қўйилган бўлади», деганларни эшитиб юрардик. Мақола мавзусини ўрганиш асносида бу борадаги фактлар ҳам мавжудлигига дуч келдик. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларининг вилоятларда бажарилиши бўйича танлов савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибларига риоя этилиши таҳлил қилинганда бир қатор қоидабузарликлар аниқланди. Жумладан, Нишон туманидаги 450/100 ўринли бизнес-мактабни қайта тиклаш — реконструкция қилишда бу ишга 789,2 миллион сўм нарх қўйган «Қашқадарётаъмирқурилиш» бошқармаси танлов комиссиясининг қарорига кўра, ғолиб деб топилган. Ҳолбуки, «Қашқадарёсервисқурилиш» ана шу ишни 679,4 миллион сўмга баҳолаган ва ғолиб топилган ташкилот айтган муддатдан икки ой илгарироқ бажаришни зиммасига олган. Йўқ, танлов комиссиясига негадир ишни ҳам икки ой кеч, ҳам рақобатчига нисбатан 91,8 миллион сўм қимматга баҳолаган ташкилот «маъқул» бўлган. Сурхондарё вилоятида эса танлов шартлари бузилгани аён бўлди. Қумқўрғон туманидаги 750/50 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши бўйича 6 та қурилиш техникаси бўлган «БЧ Сурхон-Термиз қурилиш» МЧЖнинг биринчи ҳужжат пакети (техникавий қисми)га 8 балл берилган, танлов шартлари бўйича эса бу балл фақат 15 та машинаси бор бўлган ташкилотга берилиши лозим эди.

Ҳукумат қарорининг 41-бандига мувофиқ, таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши умуман тақиқланган. Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларида эса мазкур қарорнинг ушбу бандига хилоф ишлар амалга оширилган. Масалан, Марғилон касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш бўйича танловда «Фарғонажамхўжқурилиш» АЖга қарашли 75-ХМКК ва 81-ХМКК ҳамда «Фарғонасувқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамияти қатнашган. Табиийки, бунда ҳам икки «ака-ука»ларнинг бири — 81-ХМКК ғолиб чиққан.

Бу ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда танлов савдолари аксарият ҳолларда расмиятчилик учунгина ўтаётганига, қурилиш пудрат ташкилотларининг олдиндан қайси иншоотни қуриши маълумлигига, яккаҳокимликни чеклаши мумкин бўлган пудрат бозорига хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг киришига бўлаётган тўсиқларга қарши курашиш, ўзларига маъқул нархларни ушлаб туриш мақсадида ўзаро келишиб қилинган ҳаракатларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш бўйича етарли ишлар амалга оширилмаяпти.

### Қурувчи ўрнида мардикор

Пойтахт вилоятида ўтган йили фойдаланишга топширилган учта иншоотни кўздан кечириб, бу ерда ҳам сифатсизлик, қимматлилик, юзакичилик, кўзбўямачилик борлигига гувоҳ бўлдик. Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоғидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўрта мактабни қайта таъмирлаш асосида бунёд этилган. Унда гарчи 2004 йилда ўқиш бошланган бўлса-да, 2005 йилнинг февралида ҳам қурувчилар «жадал» ишлаётган эдилар. Ичкарида санузеллар қурилган, лекин ишламаяпти.

